

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» AJ**  
**Бошқаруви раиси**

О.Х. Назаров

2026 йил 02 июнь



**«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» AJ'NING  
«TRAVEL.ONLINE» SAЁХАТЧИЛАРНИ СУҒУРТА  
ҚИЛИШ УЧУН ОММАВИЙ ОФЕРТАСИ**  
(2026 йил 05-июндан жорий этилади)


Мазкур «TRAVEL.ONLINE» саёҳатчиларни суғурта қилиш учун оммавий оферта (бундан буён матнда Оферта деб юритилади) «GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» AJ нинг (бундан буён матнда Суғурталовчи деб юритилади) 2026 йил 09-январдаги Саёҳатчиларни суғурта қилиш қоидаларига асосан тузилган ва номаълум доирадаги жисмоний шахсларга (бундан буён Суғурта қилдирувчи деб юритилади) йўлланган қуйидаги суғурта шартларида Суғурталовчининг ахборот тизимлари воситасида суғурта шартномасини (бундан буён матнда Суғурта шартномаси деб юритилади) тузиш таклифи ҳисобланади.

Суғурталовчи томонидан «TRAVEL.ONLINE» саёҳатчиларни суғурта қилиш учун оммавий офертанинг илгари тасдиқланган барча вариантлари ушбу Оферта кучга кирган пайтдан эътиборан бекор қилинади. Ушбу Оферта кучга кирган пайтга қадар харид қилинган барча суғурта полислари бўйича суғурта хизматлари ушбу Оферта тасдиқланишига қадар амал қилган Оммавий оферта доирасида кўрсатилади.

Мазкур Оферта шартларининг қабул қилиниши ва шартлашилган суғурта мукофотининг тўланиши унинг шартларини акцептлаш ҳамда Суғурта қилдирувчининг Суғурта шартномасини тузишга розилиги бўлиб ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганлиги факти тасдиқланганидан кейин унга электрон суғурта полиси юзберилади ва Суғурта шартномаси тузилган деб ҳисобланади. Бунда Суғурталовчининг мажбуриятлари Суғурта полисида унинг амал қилиши даври бошланадиган сана сифатида кўрсатилган кунда соат 00:00:00 да, аммо Суғурталанган шахс Суғурта полиси амал қилиши ҳудуди чегарасидан кесиб ўтиши пайтидан эрта бўлмаган ҳолда кучга киради. Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи шартнома тарафларидир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ, «Расмийлаштириш» тугмаси ва «Суғурта қилиш оммавий офертаси шартларига розиман» ёзуви орасидаги тегишли квадратчага (✓) белгисининг қўйилиши, шунингдек «Расмийлаштириш» тугмасининг босилиши мазкур Оферта шартларини сўзсиз қабул қилинганлиги (акцепт) деб ҳисобланади ва у билан қуйидагиларга:

- мазкур Оферта шартлари, жумладан унда баён қилинган суғурта шартларига розилигини;
- аризани тўлдиришда кўрсатилган шахсга доир маълумотлар билан суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган тарзда ишлов бериш йўли орқали 5 (беш) йил муддатга ишлашга, жумладан уларни йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, улардан фойдаланиш, уларни эгасини кўрсатмаслик, блоклаш, йўқ қилишга (йўқ қилиш ҳақида хабар қилмаган ҳолда), шунингдек суғурта шартномасини бажариш, ички ҳужжат айланмасини таъминлаш мақсадида учинчи шахсларга уларни беришга розилиги ифодаланади.



Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг ахборот тизимлари воситасида Суғурта шартномасини тузиш натижасида ўз ҳуқуқи ва муомалага лаёқатли эканини тасдиқлайди, шунингдек ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлар юзасидан жавобгарликни англайди.

Суғурталовчининг интернет ресурсида онлайн тарзда Суғурта шартномасини тузиш учун Суғурта қилдирувчидан унинг электрон почта манзили ва мобил телефон рақами мавжудлиги талаб қилинади.

Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг интернет ресурсида Суғурта шартномасини тузиш учун зарур ва муҳим бўлган барча маълумотларни киритиш Суғурта учун ариза бўлиб ҳисобланади.

Суғурталовчи «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 62-моддаси талабларига мувофиқ, Суғурта қилдирувчи ва Суғурта шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари сақланишини ва ошкор қилинмаслигини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бунда Суғурта қилдирувчи ушбу шартнома бўйича маълумотларни чет эл давлатларига саёҳат қиладиган Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахсга нисбатан суғурта ҳимояси мавжудлиги ҳақидаги ахборотни сўраши мумкин бўлган ушбу мамлакатлар элчихоналарига Суғурталовчи томонидан очиб берилишига рози бўлади.

Суғурталовчи, ушбу Оферта асосида шартнома тузар экан, Суғурталовчига ҳужжатларда келтирилган шахсий маълумотларни қайта ишлашга розилигини билдиради. Бу маълумотлар бозорда товарлар, ишлар ва хизматларни илгари суриш, хизматлар сифатига баҳо бериш, шунингдек, тузилган шартномани бажариш, янги суғурта дастурлари ва суғурта маҳсулотлари ҳақида хабардор қилиш мақсадларида Суғурталовчи томонидан алоқа воситалари орқали Суғурта қилдирувчи билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш йўли билан қайта ишланади.

Агар Суғурталанган шахс балоғат ёшига тўлмаган бўлса, унинг манфаатларини Суғурта қилдирувчи қонун асосида, ишончнома ёки ваколатни тасдиқловчи бошқа ҳужжат асосида ифода этиб, шахсий маълумотларни қайта ишлашга розилик бераётганини кафолатлайди. Шахсий маълумотларни қайта ишлаш йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаш (янгилаш, ўзгартириш), фойдаланиш, тарқатиш (жумладан, топшириш), шахсини номаълумлаштириш, блоклаш, йўқ қилиш каби усуллар орқали қоғоз ва электрон тарзда амалга оширилади.

Суғурта қилдирувчи берган розилиги Полис амал қилиш даврида ва Суғурта даври тугаганидан кейин 5 (беш) йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади. Ушбу розилик Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчига ёзма ариза юбориш орқали қайтариб олиниши мумкин.

«Оферта», «Суғурта шартномаси» ва «Суғурта полиси» ҳаволалари бундан буён матнда мазкур Офертага (электрон ҳужжатга) нисбатан тенг қимматли ва бир хил аҳамиятга эга бўлади.

## 1-БЎЛИМ. УМУМИЙ ШАРТЛАР

### 1.1. Асосий тушунчалар:

**Суғурталовчи** – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Истиқболли Лойиҳалар Миллий Агентлигининг Лицензияси асосида суғурта фаолиятини амалга оширадиган «GROSS SUG`URTA KOMPANIYASI» AJ Суғурта компанияси.

**Суғурта қилдирувчи** – Суғурталовчи билан Суғурта шартномасини тузган, муомалага лаёқатли жисмоний шахс.

**Суғурта полиси** – Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасида суғурта шартномаси тузилганини тасдиқловчи ҳужжат.

**Суғурта суммаси** – Суғурта полисида кўрсатилган пул маблағлари суммаси бўлиб, у ўзи билан Суғурталовчининг ҳар бир Суғурталанган шахсга нисбатан суғурта тўловини/суғурта таъминотини амалга оширишга доир мажбуриятларининг энг юқори ҳажмини ифодалайди. Ушбу

Офертада Суғурта дастурига кирадиган ҳар бир хизмат бўйича, шунингдек Суғурталанган шахс бахтсиз ҳодиса оқибатида вафот этган тақдирда, суғурта суммалари белгиланган.

**Суғурта мукофоти** – Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига тўлайдиган суғурта учун тўлов.

**Суғурта таваккалчилиги** – юз бериши ҳолати учун суғурта амалга ошириладиган эҳтимол қилинган ва тўсатдан юз берган ҳодиса. Ушбу Оферта шартларига кўра қуйидагилар суғурта таваккалчиликлари деб тан олинади:

– Суғурталанган шахснинг тўсатдан касалланиши ёки бахтсиз ҳодиса муносабати билан тиббий, тиббий-транспорт ва бошқа хизматлар бўйича назарда тутилмаган харажатлар;

– Суғурталанган шахснинг бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этиши.

Суғурта воқеаси – суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеа.

**Суғурта ҳодисаси** – Суғурталанган шахс билан суғурта даврида ва Суғурта полиси амал қилиши ҳудудида суғурта таваккалчилиги юз бериши билан боғлиқ содир бўлган воқеа бўлиб, унинг натижасида Суғурталовчининг ушбу Офертага мувофиқ суғурта тўловини ёки таъминотини тўлаш мажбурияти юзага келади.

**Суғурта тўлови** – суғурта ҳодисаси юз бериши муносабати билан Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс/Наф олувчи фойдасига ёки Суғурталанган шахсга кўрсатилган хизматлар учун Муассасага суғурта суммаси доирасида ва ушбу Офертада белгиланган тартибда Суғурталовчи томонидан тўланадиган пул маблағлари.

**Суғурта полиси амал қилиши даври** – Суғурта полисида кўрсатиладиган, Полис амал қиладиган ва ушбу Офертанинг 3-бўлими шартларига мувофиқ суғурта хизматлари кўрсатиладиган вақт оралиғи.

**Суғурта даври** – ушбу Офертанинг 3-бўлими шартларига мувофиқ Суғурталовчининг суғурта тўловини/суғурта таъминотини амалга ошириш бўйича мажбуриятлаши амал қиладиган кунлар сони.

**Саёҳат** – Суғурталанган шахснинг хорижга кунлар сони билан ҳисобланадиган ҳар қандай сафари (саёҳат, ўқиш, спорт, ишлаш билан боғлиқ сафари, бундан даволаниш мақсадида амалга оширган сафари мустасно).

**Хизматлар** – Суғурталанган шахсга суғурта ҳодисаси юз берганида кўрсатиладиган, Суғурта дастурида назарда тутилган тиббий, тиббий-транспорт ва бошқа хизматлар.

**Муассаса** – Суғурталанган шахсга хизматлар кўрсатиладиган тиббиёт муассасаси ёки бошқа муассаса (дорихона, ташхислаш маркази ва бошқалар).

**Ассистанс хизмати** – Суғурталовчи билан тузиладиган шартнома асосида амал қиладиган, унинг доирасида суғурта ҳодисалари бўйича сутка давомида мурожаатларни қабул қиладиган, Суғурталанган шахсга юз берган суғурта ҳодисалари бўйича керакли хизматларни олишда ва улар ҳақини тўлашда ёрдам берадиган ихтисослашган ташкилот.


Ассистанс хизмати Суғурта қилинган шахсга тақдим этиладиган хизматлар сифати ва ҳажмини назорат қилиш, шунингдек Суғурталовчи номидан ва унинг топшириғига кўра Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахсга суғурта ҳодисаси юз берганида хорижда унинг харажатларини қоплаш ҳуқуқига эга.

**Тўсатдан касалланиш** – суғурта даврида ва Суғурта полиси амал қилиши ҳудудида кутилмаганда юзага келган, сурункали касаллик ва/ёки даволаш амалга оширилганлигидан ёки оширилмаганлигидан қатъи назар саёҳат бошланишига қадар мавжуд бўлган касаллик оқибати бўлмаган, шошилинич ёрдамни талаб қиладиган ва ушбу Офертада истисно сифатида белгиланмаган касаллик.

**Шошилинич ёрдам** – тиббий ёрдам бўлиб, у тақдим этилмаган тақдирда, Суғурталанган шахснинг ҳаёти хавф остида қолади.

**Шошилинич стоматологик ёрдам** – тиш ва тишни ўраб турадиган тўқималар ўткир яллиғланганида, шунингдек бахтсиз ҳодиса натижасида тиш шикастланганида фақат оғриқни қолдириш воситалари ва бирламчи муолажалар (рентген, дори-дармонлар, вақтинчалик пломба қўйиш ёки тишни олиб ташлаш) билан чекланадиган стоматологик тиббий ёрдам.

**Сурункали касаллик** – зўрайиш ва ремиссия давлари билан ифодаланадиган, одам организмида органлар ва тизимлар шикастланиши билан узоқ вақт кечадиган касаллик.



**Сурункали касалликни зўрайиши** – сурункали касалликка хос бўлган, шу жумладан шошилиш зарур бўлган симптомларни намоён бўлиши.

**Бахтсиз ҳодиса** – тўсатдан юз берадиган, қисқа муддатли, тасодифан ва Суғурталанган шахснинг иродасига боғлиқ бўлмаган, одам организмга ташқаридан таъсир қиладиган ва ўзи билан травматик шикастланишни; куйишдан, портлашдан, яшин уришидан, электр токи таъсиридан тан жароҳатини; озиқ-овқат ёки кимёвий (саноат ёки маиший) моддалар билан заҳарланишларни ва/ёки заҳарли ва/ёки куйдирувчи моддалар, буғлар ёки газлар билан нафас олганда ёки таъсирлашганда юзага келган куйишларни келтириб чиқарадиган ҳодиса; совуқ уриш, чўкиш, ёвуз ниятли шахсларнинг ёки ҳайвонларнинг ҳужум қилиши, ҳашаротлар ва судралиб юривчиларнинг чақиши, нафас йўллариغا бегона жисмларни тасодифан тушиши, заҳарли ўсимликлар билан тасодифан заҳарланиш ва/ёки ўлим.

**Тиббий эвакуация** – Суғурталанган шахсни зарурат бўлганида ҳар қандай фойдаланиш мумкин бўлган ва мос келадиган транспорт воситасида тиббиёт ходими кузатувида бир жойдан бошқа жойга олиб бориш учун зарур бўлган тадбирлар мажмуаси. Тиббий эвакуация остида шунингдек суғурта ҳодисаси туфайли мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган суғурта қилинган шахсни ҳодиса жойидан энг яқин тиббиёт муассасасигача махсус машинада ёки таксида етказиб бориш ҳам тушунилади, бошқа транспорт харажатлари тиббий харажатлар сифатида ҳисобга олинмайди. Тиббий эвакуация фақат тиббий қўллаш мумкин бўлмаган кўрсатмалар мавжуд бўлмаган тақдирда ва шифокор рухсати билан амалга оширилади.

**Репатриация** – Суғурталанган шахс қолдиқларини доимий яшаш мамлакатига аэропортига қадар ҳар қандай фойдаланиш мумкин бўлган ва мос келадиган транспорт воситасида олиб бориш учун зарур бўлган тадбирлар мажмуаси. Қариндошларнинг илтимосига кўра репатриация Ўзбекистон Республикаси бўлмаган яшаш мамлакатига қадар амалга оширилиши мумкин, шу шарт биланки, бунда Суғурталовчи суғурта тўловини Ўзбекистон Республикасига қадар репатриация қилиш учун тўлаши зарур бўлган суммадан ошмайдиган миқдорда амалга оширади. Репатриация шартлари Суғурталовчи томонидан аниқланади.

**Рецепт** – шифокорнинг дори воситаларини қабул қилиш ва/ёки тиббий препаратларни қўллашга доир ёзма кўрсатмаси.

**Жисмоний иш** – скелет мушакларига асосий юк тушган ҳолда одамнинг таянч-ҳаракатланиш аппарати иштирок этадиган ишларнинг турлари.

**Мурожаат** – Суғурта қилдирувчининг, Суғурталанган шахснинг ёки Суғурта тўловини олишга ҳақли бўлган бошқа шахснинг Суғурталовчига Суғурта воқеаси оқибатида содир бўлган зарарга таъсир қилган сабаблар ва ҳолатларни кўрсатган ҳолда ёзма мурожаати.

**Виза-полис** – ушбу Офертага мувофиқ расмийлаштирилдиган, Шенген битими мамлакатларига кириш визасини олиш учун мурожаат қилаётган шахсларга мўлжалланган суғурта полиси.

Виза-полис виза бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқиш чоғида хорижий давлатнинг ваколатли органлари томонидан қўйилдиган талаблардан бири бўлган суғурта мавжудлигини тасдиқлаш учун расмийлаштирилади ҳамда пасайтирилган суғурта мукофоти қўлланган ҳолда махсус суғурта шартларида реализация (сотилади) қилинади.

Виза-полисни сотиб олаётганда, Суғурта қилдирувчи уни сотиб олишдан олдин ушбу суғурта полисининг ўзига хос хусусиятлари билан танишганини, уни расмийлаштириш, амал қилиш ва муддатидан олдин бекор қилиш шартларини тушуниши ва қабул қилишини, шунингдек, суғурта мукофотини қайтаришнинг ўзига хос жиҳатларини англашини тасдиқлайди.

Суғурта полиси расмийлаштиригандан сўнг, суғурта мукофоти суғуртани ташкил этиш, суғурта таваккалчилигини қабул қилиш, шу жумладан виза олишга мурожаат қилиш мақсадларида фойдаланиладиган суғурта полисини расмийлаштириш ва бериш (чиқариш) учун тўланган деб ҳисобланади. Шу муносабат билан, хорижий давлат ваколатли органининг виза беришни рад этиши, сафарнинг бекор қилиниши, Суғурта қилдирувчи / Суғурта қилинган шахс режаларининг

Ўзгариши ёки суғурта полисидан фойдаланилмаганлигининг ўзи суғурта мукофотини қайтариш учун асос бўла олмайди.

Виза берилган ва суғурта даври бошланган тақдирда, Виза-полис ушбу Оферта шартлари асосида тўлиқ ҳажмда амал қилади.

**1.2. Суғурта шартномасини тузиш ва кучга кириши тартиби:**

1.2.1. Ушбу Оферта Суғурта шартномасининг барча муҳим шартларини ўз ичига олади ва Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига/Суғурталовчи шахсга суғурта хизматларини сотиш ва кўрсатиш шартларини белгилайдиган электрон ҳужжат бўлиб ҳисобланади;

1.2.2. Суғурта шартномаси (суғурта полиси) Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилган маълумотлар асосида шаклланади;

1.2.3. Суғурта қилдирувчи электрон аризининг тўлдирилиши шарт бўлган катакларини мустақил ва аризада кўрсатилган ҳужжатларнинг аслидаги маълумотларга қатъий мувофиқ ҳолда тўлдиради;

1.2.4. Суғурта қилдирувчи аризада кўрсатилган ахборотнинг ишончлилиги ва баён қилинган асл ҳужжатлардаги маълумотларга айна тўғри эканлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, шунингдек суғурта ҳодисаси юз берган ва баён қилинган ҳужжатлар уларнинг аслига номувофиқ бўлган тақдирда, Суғурталовчи суғурта товони тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга эканлигига рози бўлади;

1.2.5. Аризада кўрсатилган ва унга киритилган ҳужжатларнинг маълумотлари автоматик равишда Суғурта шартномасига (Суғурта полисига) киритилади.

1.2.6. Суғурта шартномаси тарафлари Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурта полисини ўз электрон почтаси орқали ёки шахсга оид маълумотларни тўлдириш чоғида кўрсатилган телефон рақами бўйича мессенжерлар орқали олиши Суғурта шартномасини (Суғурта полисини) лозим даражада имзолаш эканлигини тасдиқлайди.

1.2.7. Тарафлар Суғурта полисини электрон почтаси манзилига ёки Суғурта қилдирувчи томонидан аризада кўрсатилган телефон рақами бўйича мессенжерларга юборилиши Суғурта шартномасини (Суғурта полисини) Суғурта қилдирувчига лозим даражада топ-шириш эканлигига ўз розилини тасдиқлайди.

**1.3. Суғурта шартномасини (Суғурта полисини) тўлаш тартиби:**

1.3.1. Суғурта шартномаси (суғурта полиси) ҳақини тўлаш Суғурталовчи томонидан қўлланиладиган ахборот (онлайн) тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади;

1.3.2. Ариза Суғурталовчининг сайтида – ахборот тизимида тўлдирилганидан кейин Суғурта қилдирувчи электрон тўлов тизимини танлаши зарур, ундан кейин у суғурта мукофотининг ҳисобланган суммасини Суғурталовчининг ҳисобварағига ўтказиш учун танланган тўлов тизимининг сайтига автоматик тарзда қайта йўлланади;


1.3.3. Суғурта полиси қиймати тўланганлиги ҳақидаги тасдиқ олинганидан кейин Суғурталовчининг ахборот тизими Суғурта полисини расмийлаштиришни электрон шаклда автоматик тарзда амалга оширади, уни Суғурта қилдирувчининг электрон псчта манзилига ёки шахсга оид маълумотларни тўлдириш чоғида кўрсатилган телефон рақами бўйича мессенжерларга йўллайди ва ундан кейин Суғурта полисининг серияси ва рақами, Суғурта полиси электрон тарзда жўнатилганлиги факти ҳақидаги маълумотларни ичига олган СМС-хабар жўнатилиши йўли билан Суғурта қилдирувчини хабардор қилади.

**1.4. Суғурта шартномасини тугатилиши**

1.4.1. Суғурта полисининг амал қилиши ушбу Офертада ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тугатилади.

1.4.2. Суғурталовчи томонидан Суғурта мукофотини тўлиқ/қисман қайтариш Суғурта қилдирувчининг ҳисобварағига (пластик картасига, банкдаги ҳисобварағига ёки талаб қилиб олинадиган ҳисобварағига) пул маблағларини бир йўла ўтказиш йўли билан қуйидаги тартибда ва ҳолларда амалга оширилади:

1.4.2.1. агар Суғурта қилдирувчи Суғурта полиси амал қилиши даврининг бошланишига қадар суғурта қилишдан воз кечганлигини баён қилса, Суғурталовчи унга тўланган суғурта мукофотини тўлиқ ҳажмда қайтаради;



1.4.2.2. агар Суфурта қилдирувчи Суфурта полиси амал қилиши даврининг бошланишидан кейин суфурта қилишдан воз кечганлигини баён қилса, Суфурталовчи унга ҳали муддати ўтмаган суфурта даври учун суфурта мукофотини қайтаради;

1.4.2.3. агар Суфурталанган шахс хорижда бўлиши муддати ўзгарганлиги муносабати билан хориждан муддатидан аввал қайтиб келса, Суфурталовчи унга фойдаланилмаган суфурта даври учун суфурта мукофотининг 85 (саксон беш) % қайтариб беради;

1.4.2.4. ушбу Офертанинг 1.4.2.1-14.2.2 бандларида назарда тутилган барча юқорида қайд этилган ҳолатлар бўйича Шенген битими мамлакатларида амал қилиш ҳудуди билан расмийлаштирилган Саёҳатчиларни суфурта қилиш полисини қайтаришда, Суфурта қилдирувчи унга виза берилиши рад этилганини тасдиқлайдиган Европа идоралари хатининг аслини тақдим этиш шарт.

1.4.3. ушбу Офертанинг 1.4.2-бандида назарда тутилган барча юқорида қайд этилган ҳолатлар бўйича Полисни Шенген битими мамлакатларига 92 (тўқсон икки) кунгача бўлган муддатга расмийлаштирган Суфурта қилдирувчиларга суфурта мукофоти ёки унинг қисмини қайтаришда Полис амал қилиши муддатининг мазкур Офертанинг 6.6 бандига мувофиқ қўшимча киритилган охириги 15 (ўн беш) кунни ҳисобга олинмайди.

1.4.4. Полис Суфурта қилдирувчининг аризасига биноан бекор қилинганда суфурта мукофотини қайтариш шундай ариза олинган пайтдан эътиборан 5 (беш) иш кунни ичида у тўланган валютада амалга оширилади

1.4.5. Суфурта мукофоти қуйидаги ҳолларда қайтарилмайди:

1.4.5.1. агар суфурта даври мобайнида мазкур Суфурта шартномасида кўрсатилган суфурта ҳодисаси рўй берган бўлса ва Суфурталовчи у бўйича ўз мажбуриятларини бажарган ёки бажараётган бўлса;

1.4.5.2. Суфурталанган шахснинг паспортида саёҳатга чиқиш учун амалда бўлган виза мавжуд бўлса ва Полисининг мавжуд бўлиши мазкур визани олиш учун талаб этилган бўлса;

1.4.5.3. Суфурта қилдирувчи Суфурта полисида кўрсатилган суфурта даври тугаганидан сўнг суфурта қилишдан воз кечиши тўғрисида баён қилган бўлса;

1.4.5.4. Суфурта қилдирувчи Виза-полисни сотиб олса.

#### **СУФУРТАЛОВЧИНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:**

**Тўлиқ номи:**

«GROSS SUG`URTA KOMPANIYASI» Акциядорлик жамияти

**Почта манзили:**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Усмон Носир кўчаси, 6-уй

**Электрон манзили (расмий интернет ресурси/электрон почта):**

[www.gross.uz](http://www.gross.uz) / [info@gross.uz](mailto:info@gross.uz)

**Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар:**

Жамият Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йилнинг 17 ноябрида 103-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

**Лицензия тўғрисида маълумотлар:**

Ўзбекистон Республикаси Истиқболи Лойиҳалар Миллий Агентлиги томонидан 2025 йил 2 июнь кунни берилган SF00028-сонли Лицензия.

#### **2-БЎЛИМ. СУФУРТАЛОВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

2.1. Ушбу Офертага мувофиқ суфурта мукофоти тўланган тақдирда, Суфурталовчи Суфурта ҳодисаси юз берганида Суфурта қилдирувчига/Суфурталанган шахсга ёки Наф олувчига (Суфурта қилдирувчининг танловига кўра) суфурта тўловини тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

2.2. Ушбу Оферта (суфурта шартномаси) бўйича Суфурталовчининг мажбуриятлари ушбу Оферта 6-бўлимининг талабларига мувофиқ суфурта даври давомида амал қилади.

### **3-БЎЛИМ. СУФУРТА СУММАСИ ВА СУФУРТА МУКОФОТИ**

3.1. Суфурта суммаси Суфурта қилдирувчи томонидан танланган Суфурте дастурига боғлиқ равишда тарафлар келишувига биноан белгиланади ва Полисда кўрсатилади.

3.2. Суфурта мукофоти суфурта даври ва танланган Суфурта дастуридан келиб чиққан ҳолда Суфурталовчининг амалдаги суфурта тарифларига мувофиқ равишда ҳисоблаб чиқарилади. Суфурта мукофотининг миқдори Полисда кўрсатилади.

3.3. Суфурталовчи Суфурта мукофоти миқдорини аниқлашда базавий су-урта тарифларига ошириладиган ёки камайтириладиган коэффицентларни белгилайди, улар Суфурталанган шахсларнинг ёши ва сонига, сафар мақсадига, фаолият соҳасига, шунингдек суфурта ҳодисаси юзага келиши таваккалчилиги даражасига таъсир кўрсатадиган бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

3.4. Шенген битими мамлакатларига 92 (тўқсон икки) кундан ортиқ бўлмаган муддатга расмийлаштириладиган Полислар бўйича суфурта мукофоти миқдорини аниқлашда Полиснинг амал қилиш даврига қўшимча равишда қўшилган 15 (ўн беш) кун ҳисобга олинмайди.

3.5. Суфурта мукофоти Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда кўрсатилади ва жами суфурта даври учун бир йўла электрон тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда тўланади.

3.6. Суфурта мукофоти Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ АҚШ доллариди ҳам тўланиши мумкин, бироқ суфурта мукофоти Полисда суфурта мукофоти тўланадиган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича қайта ҳисобланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда кўрсатилади.

### **4-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР**

4.1. Ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

4.2. Ушбу Офертада назарда тутилган масалалар бўйича ёки унга боғлиқ равишда, шу жумладан уни бажарилиши ёки бузилишига тааллуқли масалалар бўйича низслар, талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, тарафлар уларни музокаралар йўли билан ҳал этиш чораларини кўради.

4.3. Низолар, талаблар ёки келишмовчиликларни ҳал этиш мумкин бўлмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал этилиши лозим.

4.4. Агар бирор-бир юзага келган вазиятлар (ҳолатлар) ушбу Суфурта шартномасида ўз аксини топмаган бўлса, Суфурталовчи ўз ихтиёрига кўра ўзаро муроасага келувчи қарор қабул қилишга ҳақли.

4.5. Ушбу Оферта 20 бетдан иборат бўлиб, 13.7-банд билан яқунланади, икки варақдан иборат Иловаси бор, ва у учинчи шахслар томонидан ўзгартирилиши ҳамда ундан тижорат мақсадлари учун фойдаланиши мумкин эмас.


### **5-БЎЛИМ. СУФУРТА СУБЪЕКТЛАРИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ**

5.1. Компания, Суфурта қилдирувчи, Суфурта қилинган шахс ёки Наф олувчи ушбу Оферта бўйича суфурта муносабатларининг субъектларидир.

5.2. Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган юридик ёки муомилага лаёқатли жисмоний шахс ушбу Оферта бўйича Суфурта қилдирувчи бўлиши мумкин бўлиб, у Компания билан шартномавий муносабатларга киришган ҳолда мазкур Офертада белгиланган тартибда ва шартларда суфурта мукофотини тўлайди.

5.3. Полис ўзининг фойдасига расмийлаштирилган жисмоний шахс Суфурта қилинган шахсдир. Агар Суфурталанган шахс вояга етмаган бўлса, тўланиши лозим бўлган суфурта таъминоти унинг ота-онасининг/васийларининг бирига тўланиши мумкин.

5.4. Суфурталанган шахс вафот этган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ суфурта таъминотини олишга ҳақли бўлган шахс Наф олувчидир.



5.5. Суғурталанган шахснинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган, унинг ҳаёти ва соғлиғига зиён етказилиши билан боғлиқ бўлган мулкӣ манфаатлари мазкур Оферта бўйича суғурта объектидир.

### 6-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАВРИ

6.1. Суғурта даври Суғурта қилдирувчининг ва/ёки Суғурталанган шахснинг хорижда бўлиши муддатига мутаносиб равишда, аммо 5 (беш) йилдан ортиқ бўлмаган муддатга белгиланади.

6.2. Суғурта даври Полисда кўрсатилади, мазкур полис доимий яшаш мамлакатида бўлган ва келажакда хорижга саёҳат қилишни режалаштираётган шахслар учун ёки ҳозирда саёҳатда ва доимий яшаш мамлакатидан ташқарида бўлган шахслар учун сотиб олинishi мумкин.

6.2.1. Полис доимий яшаш мамлакатида бўлган ва келажакда хорижга саёҳат қилишни режалаштираётган шахслар учун ушбу Офертага мувофиқ сотиб олинган тақдирда, суғурта даври Полисда суғурта даврининг бошланиши санаси сифатида кўрсатилган санадан эътиборан, аммо Суғурталанган шахс Полис амал қилиши ҳудуди чегарасидан кесиб ўтиши (саёҳат қилинаётган мамлакатга киришда чегара хизматларининг паспортда қўйган штамп) пайтидан эрта бўлмаган ҳолда бошланади;

6.2.2. Полис ҳозирда саёҳатда ёки доимий яшаш мамлакатидан ташқарида бўлган шахслар учун ушбу Офертага мувофиқ янги муддатга (узайтириш учун) сотиб олинган тақдирда, суғурта даври суғурта мукофоти тўланган кундан кейинги келадиган кунда соат 00:00:00 дан эътиборан, аммо Полисда суғурта даврининг бошланиши сифатида кўрсатилган санадан эрта бўлмаган ҳолда бошланади;

6.2.3. Полис ушбу Офертага мувофиқ расмийлаштирилган Полисга эга бўлмаган, аммо саёҳат мамлакатига учиб келиш/келиш кунининг дастлабки 3 (уч) соати ичида расмийлаштирилган (чиптада кўрсатилган етиб келиш вақти асос ҳисобланади) шахслар учун сотиб олинган тақдирда, суғурта даврининг бошланиши Полисда суғурта даври бошланиши санаси сифатида кўрсатилган санадан эътиборан бошланади;

6.2.4. Полис ушбу Офертага мувофиқ расмийлаштирилган Полисга эга бўлмаган, аммо ҳозирда саёҳатда ёки доимий яшаш мамлакатидан ташқарида бўлган шахслар учун сотиб олинган тақдирда, суғурта даврининг бошланиши Полисда суғурта даври бошланиш санаси сифатида кўрсатилган санадан куйидагича кечиктирилади:

а) «COVID-19» билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда уч кунга кечиктирилади ва Полис расмийлаштирилган кундан кейинги келадиган тўртинчи кунда соат 00:00:00 да бошланади. Бундай вазиятда Суғурта қилдирувчи / Суғурталанган шахс бўлиб турган мамлакат вақти инobatга олинади;

б) «COVID-19» билан боғлиқ бўлган ҳолларда ўн кунга кечиктирилади ва Полис расмийлаштирилган кундан кейинги келадиган ўн биринчи кунда соат 00:00:00 дан эътиборан бошланади. Бундай вазиятда Суғурта қилдирувчи / Суғурталанган шахс бўлиб турган мамлакат вақти инobatга олинади.

Суғурта ҳодисаси ушбу Офертанинг 6.2.3-бандида кўрсатилганидек суғурта даври кечиктирилган вақтда юз берган тақдирда, Суғурталовчи мурожаатни кўриб чиқмайди ва суғурта тўлови/суғурта таъминоти бўйича мажбуриятлардан тўлиқ озод қилинади.

6.3. Суғурта даври Суғурталанган шахс Полиснинг амал қилиш ҳудуди чегарасини кесиб ўтиши (борилган мамлакатдан чиқишда чегара хизматларининг паспортда қўйган штамп) пайтидан эътиборан, аммо Полисда унинг амал қилиши даврининг тугаши санаси сифатида кўрсатилган кунда соат 23:59:59 кечикмай тугайди.

6.4. Барча ҳолларда (чегарадан ўтиш, суғурта ҳодисасининг юзага келиши, суғурта даврининг бошланиши ва тугаши) вақтни ҳисобга олиш зарур бўлган вазиятларда, Суғурта қилдирувчи / Суғурталанган шахс бўлиб турган тегишли мамлакатнинг маҳаллий вақти инobatга олинади.

Шенген битими мамлакатларига ташриф буюрганда ва паспортда чегара хизматларининг кириш ёки чиқиш тўғрисидаги муҳрлари қўйилмаганда, чегарадан ўтиш вақти (ушбу Офертанинг 6.2.1 ва 6.3 бандларида назарда тутилган мақсадлар учун) Суғурталанган шахс томонидан Суғурталовчига тақдим этиладиган EES (Entry/Exit System) тизими маълумотлари, шунингдек электрон учиш талонлари, чипталар ёки Суғурта қилдирувчи / бошқа расмий сафар ҳужжатлари билан тасдиқланади.

6.5. Агар Суғурталанган шахсни суғурта даври тугайдиган кунда суғурта ҳодисаси туфайли унинг шифохонага ётқизилганлиги муносабати билан хориждан қайтиб келиши мумкин бўлмаса ва ушбу ҳолат тегишли тиббий хулоса билан тасдиқланган бўлса, Суғурталовчи мазкур Офертада назарда тутилган ўз мажбуриятларини суғурта суммаси доирасида бажаришни давом эттиради.

6.6. Шенген битими мамлакатларига 92 (тўқсон икки) кундан кўп бўлмаган муддатга сафар қилиш учун Полис расмийлаштирилган тақдирда, Шенген битими мамлакатларининг виза талабларига мувофиқ, Полиснинг амал қилиш муддатига қўшимча равишда 15 (ўн беш) календарь куни киритилади. Ушбу қўшимча 15 (ўн беш) календарь куни суғурта даврига кирмайди. Кўрсатилган қўшимча муддатда содир бўлган воқеалар суғурта ҳодисалари ҳисобланмайди ва ушбу Офертага мувофиқ тўлов тўлаб берилмайди.

6.7. Агар Полисда Суғурталанган шахснинг хорижга, Полиснинг амал қилиш даврида унинг саёҳат кунлари сонидан қатъий назар, кўп марта саёҳат қилиши назарда тутилган бўлса, у ҳолда суғурта даври танланган кўп марталик саёҳатлар дастурига («Multi», «Travera» ва «Business» режалари) қуйидаги равишда боғлиқ бўлади:

Дастур номи	Полиснинг амал қилиши даври	Суғурта кунларининг сони
а) Multi I	92 кун	₺0 кун
б) Multi II	183 кун	₺0 кун
в) Multi III	365 кун	₺0 кун
г) Multi IV	365 кун	130 кун
д) Travera I	730 кун	130 кун
е) Travera II	1 095 кун	270 кун
ж) Travera III	1 460 кун	350 кун
з) Travera IV	1 825 кун	450 кун
и) Business I	365 кун	15 кун
к) Business II	365 кун	₺0 кун
л) Business III	365 кун	₺5 кун
м) Business IV	365 кун	60 кун

6.8. Агар Суғурта полиси Суғурталанган шахсни Суғурта полиси амал қилиши мобайнида кўп марталик саёҳатларни назарда тутса, Суғурталовчи фақат ушбу Офертанинг 6.7 бандида келтирилган жадвалга мувофиқ Полисда кўрсатилган суғурта кунлари сони доирасида жавобгар бўлади. Суғурта ҳудудидан ҳар бир чиқишда суғурта кунларининг мазкур сони Суғурталанган шахс суғурта ҳудудида ўтказган кунлар сонига автоматик тарзда камаяди. Суғурталовчининг суғурта тўловини тўлаш бўйича мажбурияти Полисда кўрсатилган суғурта кунлари сони яқунланганидан кейин тугайди.

### 7-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАСТУРИ ВА ПОЛИСНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ ҲУДУДИ

7.1. Суғурта дастури – тегишли суғурта суммалари билан бирга хизматлар мажмуаси бўлиб, у Суғурталанган шахсга ушбу Оферта доирасида тақдим этилиши мумкин.

7.2. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи томонидан танланадиган қуйидаги Суғурта дастурларидан бири бўйича мажбуриятларни зиммасига қабул қилади. Суғурта қилдирувчи томонидан танланган дастур Полисда кўрсатилади:

*Барча суғурта хизматлари Еврода кўрсатилган*



Суғурта дастурининг номи	Grand 1	Grand 2	Prestige	Antivirus 1	Antivirus 2	Antivirus 3	
Суғурта қилинган битта шахс учун суғурта суммаси:	50 000	65 000	90 000	65 000	100 000	150 000	
шу жумладан ўлимдан суғурта қилиш	1 000	1 500	2 000	1 500	2 000	2 000	
№	Хизматлар рўйхати	Ҳар бир хизмат бўйича суғурта суммалари					
1	Тиббий хизматлар, шу жумладан:	25 000 гача	30 000 гача	40 000 гача	30 000 гача	50 000 гача	100 000 Гача
1.1	стоматологик ёрдам	100 гача	200 гача	300 гача	200 гача	300 гача	500 гача
1.2	COVID-19 да ёрдам	йўқ	йўқ	йўқ	3 000 гача	10 000 гача	50 000 гача
1.3	бошқа тиббий хизматлар	24 850 гача	29 800 гача	39 500 гача	26 800 гача	39 500 гача	49 000 гача
2	Тиббий-транспорт ва бошқа хизматлар, шу жумладан:	24 000 гача	33 500 гача	48 000 гача	33 500 гача	48 000 гача	48 000 гача
2.1	тиббий эвакуация	5 000 гача	7 000 гача	11 000 гача	7 000 гача	11 000 гача	11 000 гача
2.2	кузатиб борувчи шахсни транспортда ташиш	5 000 гача	6 000 гача	9 000 гача	6 000 гача	9 000 гача	9 000 гача
2.37	Суғурталанган шахсни ва/ёки унинг вояга етмаган болаларини қайтариш	4 000 гача	5 000 гача	8 000 гача	5 000 гача	8 000 гача	8 000 гача
2.4	қидирув-қутқарув тадбирлари	2 000 гача	2 000 гача	4 000 гача	2 000 гача	4 000 гача	4 000 гача
2.5	вақтинча бўлиш мамлакатида дафн этиш	2 000 гача	2 500 гача	5 000 гача	2 500 гача	5 000 гача	5 000 гача
2.6	Репатриация	6 000 гача	11 000 гача	11 000 гача	11 000 гача	11 000 гача	11 000 гача

7.3. Суғурта полисининг амал қилиш ҳудуди Суғурталанган шахсининг бўлиб турган мамлакатни ёки мамлакатларини англатиб, танланган Суғурта дастурига боғлиқ равишда қуйидаги ҳудудий бўлинишлар бўйича аниқланади:

«Grand 1» – жаҳоннинг барча мамлакатлари ҳудудида амал қилади, бундан Шенген битими мамлакатлари, шунингдек Лихтенштейн, Буюк Британия, Исроил, Япония, Австралия, Янги Зеландия, Канада ва АҚШ мустасно;

«Grand 2» – жаҳоннинг барча мамлакатлари ҳудудида амал қилади, бундан АҚШ мустасно;

«Prestige» – жаҳоннинг барча мамлакатлари ҳудудида амал қилади;

«Antivirus 1» - жаҳоннинг барча мамлакатлари ҳудудида амал қилади, бундан АҚШ мустасно;

«Antivirus 2» - жаҳоннинг барча мамлакатлари ҳудудида амал қилади;

«Antivirus 3» – жаҳоннинг барча мамлакатлари ҳудудида амал қилади.

7.4. Полисининг амал қилиши Суғурталанган шахсининг доимий яшаш мамлакатини/Суғурталанган шахс фуқаросини бўлган мамлакат/Суғурталанган шахсга яшаш гувоҳномасини берган мамлакат ҳудудида татбиқ этилмайди.

7.5. Полисининг амал қилиши етиб бориш қийинлиги даражаси бўйича Шимолий ёки Жанубий қутблар билан таққосланиши мумкин бўлган ҳамда махсус транспорт ёки ускуна, ёрдамчи воситалар ва экспедиция билангина етиб бориш мумкин бўлган мамлакатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

## 8-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТЎЛОВИ ВА СУҒУРТА ТАЪМИНОТИ

8.1. Ушбу Офертада назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Суғурта дастурига кирадиган ҳар бир хизмат бўйича суғурта суммаси доирасида қуйидаги хизматлар учун харажатлар тўланади, хусусан:

8.1.1. муассасада амбулатор ва стационар (фақат шошилиш операциялар) даволаниш учун, жумладан шифокор хизматлари (маслаҳатлари), шифокор томонидан кўрсатилган ташхислаш ва лаборатория тадқиқотлари, шифокор томонидан тайинланган дори-дармонлар (рецепт бўйича), боғлаш материаллари ва маҳкамлаш воситалари (гипс, бандаж ва шу кабилар) учун кетадиган харажатлар, Суғурталанган шахснинг доимий яшаш мамлакатига тиббий эвакуация қилиш мумкин бўлган ва/ёки муассасадан жавоб бериш пайтига қадар.

Бунда Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси тан олиншига қадар ва ушбу Офертанинг 8.1.1-бандида назарда тутилган тиббий ёрдамни ташкиллаштириш учун Суғурталанган шахс ташхисини аниқлашга 300 (уч юз) Евро доирасида чеклов (лимит) белгиланади;

8.1.2. Суғурталанган шахсда ҳомиладорлик кечишида асоратлар юзага келган/ҳомиладорлик мажбурий равишда тўхтатилган тақдирда, шошилиш ёрдам учун ҳомиладорлик 32 (ўттиз икки) ҳафтадан ошмаслиги, шунингдек мазкур воқеа бахтсиз ҳодиса натижасида содир бўлиши шарт билан 1000 (бир минг) Еврогача бўлган миқдорда бўланади;

8.1.3. шошилиш стоматологик ёрдам учун, танланган Суғурта дастурида кўрсатилган суғурта суммаси доирасида;

8.1.4. Суғурталанган шахснинг воқеа жойидан энг яқин муассасагача ёки энг яқин жойдаги шифокоргача, ёки бир муассасадан иккинчисига (вақтинча бўлган мамлакат доирасида), ёхуд доимий яшаш мамлакатига тиббий эвакуация қилиш учун. Бунда шошилиш ёрдам зарурлиги шарт билан, тиббий эвакуациянинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарор фақат Суғурталовчининг ваколатли шифокорлари томонидан қабул қилинади. Агар учинчи шахс Суғурталовчи билан келишмаган ҳолда тиббий эвакуацияни ташкиллаштирса, Суғурталовчи харажатларни Ассистанс хизмати ёрдамида тиббий эвакуацияни таъминлай олиши мумкин бўлган энг кам сумма доирасида бўла беради;

8.1.5. Суғурталанган шахснинг тиббий эвакуация қилишда кузатиб боровчи шахснинг ташиш учун, башарти бундай кузатиб боровчи шифокор кўрсатмасига биноан зарур бўлса;

8.1.6. Суғурталанган шахснинг доимий яшаш мамлакатига қайтариш учун, башарти у суғурта ҳодисаси тўғрисида касалхонага ётқизилганлиги боис сотиб олинган чипталардан фойдаланиш имкониятини йўқотган бўлса. Суғурталовчи Суғурталанган шахсга илгари сотиб олинган чипталар қийматини қопламайди ва битта Суғурталанган шахсга экономотифадаги йўлқира ҳақини қоплаган ҳолда тенг қимматли транспорт тури учун бўла беради.

Бунда Суғурталанган шахсда «COVID-19» ташхисланган тақдирда, чипталар қийматини қоплаш ёки бўла бериш суммаси битта Суғурталанган шахсга 1000 (бир минг) Евродан ортиқ бўлмаган сумма билан чекланган. Агар илгари сотиб олинган чипталарни қайтариш ёки алмаштириш мумкин бўлса, Суғурталовчи чипталарни алмаштириш учун қўшимча бўланиши зарур бўлган суммани бўла беради.

Суғурталанган шахснинг учун Суғурталовчи томонидан харид қилинган авиачиптани ҳар қандай сабаб билан рад этган тақдирда, Суғурталовчи харид қилинган чиптани бекор қилишга ва Суғурталанган шахсга кейинчалик суғурта хизматлари тақдим этилишини рад этишга ҳақли. Шунингдек, агар Суғурталанган шахснинг режаларига тўғри келмаслиги, рейсдан, туташтиришлардан, қатнаш маршрути ва бошқалардан қониқмаслиги муносабати билан авиачипта санасини бошқа санага ўзгартиришни талаб қилса, Суғурталовчи Суғурталанган шахсга суғурта хизматлари кўрсатишни рад этишга ва харид қилинган чиптани бекор қилишга ҳақли;

8.1.7. экономотифадаги йўлқира ҳақи учун:

а) Суғурталанган шахснинг вояга етмаган фарзандлари Суғурталанган шахс билан содир бўлган суғурта ҳодисаси тўғрисида илгари сотиб олган чипталардан фойдаланиш имкониятини қўлдан чиқарган ва қаровсиз қолиб кетган ҳолларда уларнинг доимий яшаш мамлакатига етиб келиши учун;

б) Суғурталанган шахс билан суғурта ҳодисаси юз бериши муносабати билан Суғурталанган шахснинг вояга етмаган фарзандларини қайтариш учун уларни кузатиб боровчи битта шахс учун, шу шарт биланки, агар вояга етмаган фарзандлар ҳам ушбу Оферта доирасида суғурта қилинган бўлса ва кузатиб боровчи шахсда Суғурталанган шахснинг доимий яшаш мамлакатига чипта бўлмаса.



в) суғурта ҳодисаси содир бўлган Суғурта қилинган вояга етмаган фарзанд ва битта кузатиб боровчи шахс учун, шу шарт биланки, агар улар илгари харид қилинган чипталардан фойдаланиш имкониятини қўлдан чиқарган бўлса.

Бунда Суғурталовчи экономотифадаги йўлкира ҳақини қоплаган ҳолда фақат уни тенг қимматли транспорт тури учун тўлаб беради. Агар илгари сотиб олинган чипталарни қайтариш ёки алмаштириш мумкин бўлса, Суғурталовчи чипталарни алмаштириш учун қўшимча тўланиши зарур бўлган суммани тўлаб беради;

8.1.8. Суғурталанган шахсни қидириш ва қутқариш учун зарур бўлган чора-тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш учун;

8.1.9. Суғурталанган шахсни Полисинг амал қилиш ҳудудида дафн қилиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ўтказиш учун, бундан диний маросимлар мустасно;

8.1.10. Суғурталанган шахснинг репатриацияси учун, бундан ушбу Офертанинг 11.1.18, 11.2, 11.3-бандларида кўрсатилган воқеалар натижасида юз берган ўлим ҳолатлари, шунингдек Суғурталанган шахснинг доимий яшаш мамлакатидида диний маросимларни ўтказиш ва дафн этиш мустасно. Агар учинчи шахс Суғурталовчи билан келишмаган ҳолда репатриацияни ташкиллаштира, Суғурталовчи харажатларни Асситанс хизмати ёрдамида репатриацияни таъминлай олиши мумкин бўлган энг кам сумма доирасида тўлаб беради;

8.1.11. эпидемик ёки вирус касалликларида (эпидемиялар, пандемияларда) таҳлилларни (тестлар ва бошқаларни) топшириш, ташхис қўйиш, даволаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш учун, шунингдек «Antivirus 1», «Antivirus 2» ва «Antivirus 3» суғурта дастурлари доирасида карантинга жойлаштирилганда.

Бунда қуйидагилар қопланиши ёки тўланиши лозим:

а) эпидемик ёки вирус касаллиги мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини тасдиқлаш мақсадида шифокор томонидан тайинланган тестлар (таҳлиллар) ҳақини тўлашга доир харажатлар;

б) Суғурталанган шахсни 14 (ўн тўрт) кундан ортиқ бўлмаган муддатга меҳмонхонада ёки карантин учун махсус ажратилган хонага жойлаштириш билан боғлиқ харажатлар (маиший харажатлар ва овқатланиш учун харажатлардан ташқари).

Бунда ҳақиқатда амалга оширилган, аммо қуйидаги лимитлардан ортиқ бўлмаган харажатлар қопланади ёки тўланади:

«Antivirus 1» суғурта дастури бўйича битта Суғурталанган шахсга суткада 45 (қирқ беш) Еврога қадар;

«Antivirus 2» суғурта дастури бўйича битта Суғурталанган шахсга суткада 65 (олтмиш беш) Еврога қадар;

«Antivirus 3» суғурта дастури бўйича битта Суғурталанган шахсга суткада 90 (тўқсон) Еврога қадар.

8.2. Жарроҳлик операцияси шошилинич бўлганлиги ва тиббий эвакуация ташкил этилгандан сўнг Суғурталанган шахснинг доимий яшаш мамлакатидида ўтказилиши мумкин бўлмаганлиги шarti билан Суғурталовчи жарроҳлик операциялари учун тиббий харажатларни тўлайди, яъни тўлов операциянинг дарҳол ўтказилмаслиги Суғурталанган шахснинг ҳаётига хавф солаётган бўлса ёки унинг соғлигининг жиддий бузилиши эҳтимоли мавжуд бўлса, амалга оширилади.

8.3. Агар дори-дармонлар фақат шифокор томонидан ёзиб берилган рецепт бўйича харид қилинган бўлса, Суғурталовчи улар ҳақини тўлайди.

8.4. Суғурта қилдирувчи / Суғурта қилинган шахс Суғурталовчи ёки Асситанс хизмати билан олдиндан келишмай тиббий ёрдам сўраб мустақил равишда мурожаат қилган тақдирда, Суғурталовчи қилинган харажатларни Асситанс хизмати орқали ташкил этилганида Суғурталовчи томонидан тўланиши керак бўлган ўхшаш тиббий хизматлар қийматидан ошмайдиган миқдорда қоплайди.

Агар Суғурта қилдирувчи / Суғурта қилинган шахс Хизматларни Суғурталовчи ёки Асситанс хизмати билан олдиндан келишмай мустақил равишда олган ва улар ҳақини тўлаган бўлса, Суғурталовчи суғурта тўловини / таъминотини амалга оширишни тўлиқ ёки қисман рад этишга ҳақли.

Суғурта қилинган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига бевосита таҳдид соладиган шошилинч ҳолат туфайли олдиндан келишиш объектив равишда имконсиз бўлган тақдирда, Суғурталовчи шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ва ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатларни 500 (беш юз) Евродан ошмайдиган миқдорда қоплайди.

8.5. Суғурталовчининг суғурта тўловини/суғурта таъминотини амалга ошириш бўйича мажбурияти суғурта даври ва Полиснинг амал қилиш ҳудудида содир бўлган суғурта ҳодисаларига нисбатан амал қилади.

8.6. Суғурталовчи зиммасида Суғурта дастурига кирадиган ҳар бир хизмат бўйича, шунингдек Суғурталанган шахснинг ўлими содир бўлган бахтсиз ҳодисадан суғурта қилиш бўйича суғурта тўловини/суғурта таъминотини суғурта суммаси доирасида амалга ошириш бўйича мажбуриятлар бўлади.

### **9-БЎЛИМ. СУҒУРТА ҚИЛИНГАН ШАХС ВАФОТ ЭТГАНИДА СУҒУРТА ТАЪМИНОТИ**

9.1. Бахтсиз ҳодисадан суғурта қилиш борасида Суғурталовчи Наф олувчига Суғурта дастурида кўрсатилган суғурта суммасини куйидаги ҳолларда тўлиқ миқдорда тўлаб беради:

9.1.1. Суғурталанган шахс саёҳат пайтида юз берган ҳамда суғурта даврида ва Полиснинг амал қилиш ҳудудида содир бўлган бахтсиз ҳодисанинг бевосита натижасида вафот этган тақдирда;

9.1.2. Суғурталанган шахс бир йил ичида юз берган ҳамда суғурта даврида ва Полиснинг амал қилиш ҳудудида содир бўлган бахтсиз ҳодисанинг бевосита натижасида вафот этган тақдирда.


### **10-БЎЛИМ. СПОРТНИ СУҒУРТА ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.1. Суғурталанган шахснинг фаол ҳордиқ чиқариш давомида юзага келган харажатлари ушбу Оферта билан автоматик равишда қопланади. Бунда мазкур Оферта доирасида фаол ҳордиқ чиқариш деганда, саёҳат даврида бўш вақтни спорт кўнгилочар тадбирларда иштирок этиш ва фаолиятнинг фаол турлари билан шуғулланиш (ҳар қандай профессионал мусобақаларга тайёрланиш ва иштирок этиш бундан мустасно) билан ўтказиш усули тушунилади.

10.2. Суғурта мукофотини кўпайтирувчи коэффицентни қўллаган ҳолда тўлаш ва Полиснинг «Махсус шартлар» катагида «Спорт» деган ёзув қайди мавжуд бўлиши шарти билан ушбу Офертанинг 1-Бўлимида кўрсатилган Хизматларга қўшимча, Суғурталанган шахснинг профессионал спорт билан шуғулланиш, жумладан мусобақалар ҳамда машғулотларда иштирок этиш, махсус мўлжалланган ва жиҳозланган трассаларда тоғ чанғиларида ҳамда сноубордда учиш давомида юзага келган харажатлари Суғурталовчи томонидан қопланади.

Ушбу Оферта доирасида профессионал спорт деганда, спорт мусобақаларига тайёрланиш ва уларда иштирок этиш учун контракт асосида иш ҳақи ёки бошқа пул мукофотларини оладиган спортчи учун асосий фаолият тури бўлган спорт фаолияти тушунилади.

10.3. Суғурталанган шахснинг махсус мўлжалланмаган ва жиҳозланмаган трассаларда тоғ чанғиларида ва сноубордда учиш, 30 (ўттиз) метрдан ортиқ чуқурликда суе остида сузиш ва шўнғиш, шунингдек спортнинг шу турлари билан Шимолий Муз океанида ва унга туташ денгизларда шуғулланиш, регби, сёрфинг, альпинизм, спелеология, хели-борд, мотоспорт, даунхилл, кайтборд билан шуғулланиш, учиш аппаратлари ва мосламаларида учиш (самолётда йўловчи сифатида учиш бундан мустасно), парашютда сакраш, бобслей, планеризм, дельтапланеризм, парапланеризм, параглайдинг, автоспорт, бокс, кикбоксинг, таиландча бокс, қоидаларсиз жанглар, ҳаво шарида учиш (йўловчи сифатида эмас), влдсёрфинг билан шуғулланиш, акробатик элементлардан ташкил топган фигураларни қўллаган ёки қўлламаган ҳолда баландликдан сакраш, тўсиқларни енгиб ўтиш билан боғлиқ бўлган спорт турлари (бундан буён матнда Спортнинг махсус турлари деб юритилади) билан шуғулланиш натижасида юзага келган харажатлари мазкур Оферта бўйича қопланмайди. Агар 10.1 ва 10.2-бандларида қайд этилган жисмоний фаолликдан гарчи биттасига баландликдан сакраш, акробатик элементлар киритилган бўлса, у ҳолда мазкур фаоллик Спортнинг махсус турларига қўшилади ва ушбу Оферта билан қопланмайди.



### **11-БЎЛИМ. ИСТИСНОЛАР**

11.1. Суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган, лекин қуйида келтирилган омилларнинг исталганининг бевосита ёки билвосита оқибати бўлган воқеа юзага келган тақдирда, суғурта тўлови/суғурта таъминоти амалга оширилмайди:

11.1.1. тўғридан-тўғри тиббий қарши кўрсатмалар мавжудлигига қарамай саёҳатга чиқилганда, Суғурталанган шахс соғлиғининг ёмонлашиши ёки унинг вафот этиши муносабати билан қилинган харажатлар;

11.1.2. агар бахтсиз ҳодиса ёки тўсатдан касалланиш юз берганида Суғурталанган шахс организмида наркотик ёки психотроп моддаларнинг мавжудлиги қайд этилса ёхуд шифокор томонидан ёзиб берилмаган дори-дармонлардан фойдаланилганлиги қайд этилса, ушбу ҳолат тиббий хулосаларда/ билдиргиларда акс эттирилиши, гувоҳлар кўрсатмаларида ва содир бўлган воқеага тааллуқли бўлган бошқа ҳужжатларда қайд қилиниши мумкин;

11.1.3. руҳий касалликлар ва ҳолатларда, эпилепсия (бирламчи ва симптоматик), неврозлар (ваҳима хуружлари, тушкунлик, жазавога тушишлар ва бошқалар), шунингдек марказий асаб тизими касалликларида;

11.1.4. ҳомиладорлик билан бевосита боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳодисалар/оқибатлар (ушбу Офертанинг 8.1.2-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), туғиш ва/ёки аборт қилиш, шунингдек оилани режалаштириш ва бепуштлиқни даволаш билан боғлиқ хизматлар учун харажатлар;

11.1.5. жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар ва уларнинг оқибатлари, таносил касалликлари, ОИТС ва ОИВ келтириб чиқарган барча касалликлар;

11.1.6. Суғурталанган шахсга маълум бўлганлиги ёки бўлмаганлигидан қатъи назар, онкологик касалликлар, ўсмалар (ёмон сифатли ва хавфсиз);

11.1.7. тиббий нуқтаи назардан зарур деб ҳисобланмаган ёки шифокор томонидан тайинланмаган хизматларни тақдим этиш, шунингдек шошилиш бўлмаган жарроҳлик операциялари;

11.1.8. реабилитация тадбирлари ва органларни кўчириб ўтказиш (трансплантация) учун харажатлар;

11.1.9. Суғурталанган шахс суғурта ҳодисаси туфайли мурожаат этиши муносабати билан у даволовчи шифокордан олган кўрсатмалар бажарилишини ихтиёрий равишда рад этиш натижасида юзага келган харажатлар;

11.1.10. ҳар қандай профилактика тадбири, эмлаш, дезинфекция, санатория-курортда даволаниш, тикловчи ва соғломлаштирувчи даволаш, гелиотерапия, сув билан даволаш, физиотерапия, мануал терапия, ҳар қандай турдаги уқалашлар (массаж) ва шу кабилар;

11.1.11. ташхис кўрсатилмаган ҳолда ноанъанавий тиббиёт усуллари билан даволаш ёки аниқланган ташхисга мос келмайдиган даволаш;

11.1.12. косметик/пластик жарроҳлик, ташқи қиёфадаги камчиликларни ёки танадаги нуқсонларини бартараф этиш билан, шунингдек ҳар қандай турдаги протезлаш, шу жумладан кўз ва тишларни протезлаш билан боғлиқ даволашлар;

11.1.13. Суғурталанган шахсни даволаш учун наслий ва/ёки туғма касалликларнинг, аномалиялар ва органлар ривожланишидаги нуқсонларнинг зўрайиши ёки асоратлари оқибатида юзага келган харажатлар;

11.1.14. Суғурталанган шахсга маълум бўлганлиги ёки бўлмаганлигидан қатъи назар сурункали касалликлар ва/ёки уларнинг зўрайиши/асоратлари, ва/ёки уларнинг намоён бўлишининг бошқа шакллари ва турлари. Суғурталанган шахсда сурункали касалликлар зўрайган/асорат қолдирган ҳолларда Суғурталовчи 300 (уч юз) Евро доирасида хизматлар кўрсатилишини ташкиллаштиради ва/ёки харажатларини тўлаб беради;

11.1.15. мураккаб даволашни ва/ёки стационарда узоқ вақт бўлишни, шу жумладан кардиожарроҳлик билан даволашни (жумладан ангиография, ангиопластика, шунтлашни ва шу кабиларни), шунингдек илгари ўтказилган қон айланиш тизими касалликлари оқибатида юзага келган эрта ва кечки асоратларни даволашни ва жарроҳлик аралашувларини талаб этадиган қон

айланиш тизими касалликлари (артериал гипертония ва 300 (уч юз) Евро лимит доирасида биринчи ёрдам бериш бундан мустасно);

11.1.16. узоқ вақт давомида содир бўладиган ва/ёки мураккаб даволашни ва/ёки тиббиёт муассасасида узоқ вақт бўлишни талаб этадиган бошқа касалликларнинг мавжудлиги билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган касалликлар (инфаркт, инсульт, қандли диабет, буйрак етишмовчилиги, сил, жигар циррози, вирусли гепатитлар, аневризмининг ҳар қандай тури, эндокрин касалликлар ва шу кабилар). Юқорида кўрсатилган касалликлар илк бор аниқланганда, Суғурталовчи 700 (етти юз) Евро доирасида хизматлар кўрсатилишини ташкиллаштиради ва/ёки Суғурталанган шахснинг харажатларини тўлаб беради;

11.1.17. Суғурталанган шахс касалликлар оқибатида ўз саёҳати бошланишига қадар даволанган ёки агар назарда тутилган саёҳат Суғурталанган шахсга саломатлиги ҳолати бўйича мумкин бўлмаган тақдирда;

11.1.18. даволаш учун саёҳат амалга оширилган касб касалликлари, шунингдек ҳар қандай бошқа касалликлар;

11.1.19. кўриш қобилиятини яхшилаш учун мосламалар (кўзойнаклар, гардишлар, линзалар, лупалар ва шу кабилар), шунингдек бошқа ёрдамчи воситаларнинг (протезлар, қўлтиқтаёқлар, аравачалар ва шу кабиларнинг) тақдим этилиши;

11.1.20. витаминлар, озиқ-овқат қўшимчалари, озиқ-овқатларни бойитувчилар, ўсимлик маҳсулотлари, гомеопатия воситаларини харид қилиш;

11.1.21. Суғурталанган шахснинг эпидемиялар ва ўлат, вабо, қора чечак, сариқ безгак, геморрагик безгак, куйдирги, тепкили ичтерлама ва бошқалар каби ўта хавfli ва тропик касалликлар муносабати билан қиладиган харажатлари;

11.1.22. Суғурталанган шахснинг эпидемик касалликларни (пандемияларни) даволаш, табиий офатлар ва уларнинг оқибатлари, карантин, метеоритлар ва бошқа космик жисмларнинг/объектларнинг қулаб тушиши билан боғлиқ харажатлари.

Офертанинг мазкур банди ушбу Офертанинг 5.2-бандида келтирилган «Antivirus 1», «Antivirus 2» ва «Antivirus 3» суғурта дастурларига нисбатан татбиқ этилмайди.

11.1.23. Суғурталанган шахс доимий яшаш мамлакатига қайтиб келганда- сўнг, шунингдек суғурта даври тугагандан сўнг амалга оширилган даволаш учун харажатлар;

11.1.24. Тегишли тарзда расмийлаштирилган ҳужжатлар билан тасдиқланмаган харажатлар, шунингдек Муассаса томонидан тиббий ташхис белгиланмасдан амалга оширилган харажатлар.

11.2. Суғурталанган шахс билан қуйидаги ҳолларда суғурта воқеаси -оз берган бўлса, Суғурталовчи харажатларни тўлаб бермайди ва мазкур ҳолат суғурта ҳодисаси деб тан олинмайди:

11.2.1. ўз жонига қасд қилишга уриниш ёки ўз жонига қасд қилишда;

11.2.2. бирор-бир ҳарбий тузилмада хизмат вазифаларини ўташ чоғида;

11.2.3. жисмоний ишни бажариш чоғида, агар Полисинг «Махсус шартлар» катагида «Иш» деб кўрсатилмаган бўлса;


11.2.4. икки ғилдиракли ёки бошқа турдаги транспорт воситаларини тегишли рухсати (ҳайдовчилик гувоҳномаси, ҳуқуқи ва бошқалари) бўлмасдан шахсан бошқариш натижасида.

11.3. Суғурталовчи бевосита ёки билвосита қуйидаги сабаблар туфайли юзага келган харажатларни тўлаб бермайди:

11.3.1. террористик ҳаракатлар туфайли (якка ўзи ёки бирор бир ташкилсга ёки ҳукуматга боғлиқ равишда ёхуд унинг номидан ҳаракат қилувчи ҳар қандай шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан сиёсий, диний, мафкуравий ёки этник ғоялардан келиб чиқиб ва ҳукуматга таъсир кўрсатиш ёки жамиятга ёхуд унинг бирор қисмига таҳдид солиш фикрида куч ишлатиш ва зўравонлик қилиш билан ифодаланадиган), шу жумладан террористик ҳаракатнинг олдини олиш бўйича тадбирлар туфайли юзага келган зарар ҳам қоплаб берилмайди;

11.3.2. уруш, чет эллик душманнинг бостириб кириши, ҳарбий ҳаракатлар (уруш эълон қилиниши ёки қилинмаслигидан қатъий назар), фуқаролар урушлари, қўзғолонлар, инқилоблар, исёнлар ва фуқаролар ғалаёнлари туфайли;

11.3.3. Суғурталанган шахснинг гаровда ва жиноятларда, шунингдек муштрашишларда иштироки оқибатида рўй берган бахтсиз ҳодисалар туфайли, бундан ўзининг фуқаролик бурчини



бажариш ёки ўзининг (ёхуд учинчи шахсларнинг) ҳаёти, соғлиғи, ор-номусини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилган ҳаракатлар мустасно;

11.3.4. Суғурталанган шахс алкоголь, наркотик, токсик ёки бошқа мастлик ҳолатида ва/ёки транспорт воситасини бошқариш учун тегишли рухсатномасиз/ҳайдовчилик гувоҳномасисиз транспорт воситасини бошқариши оқибатида содир бўлган, шунингдек Суғурталанган шахс томонидан транспорт воситасини бошқаришни юқорида айтиб ўтилган ҳолатда бўлган ва/ёки юқорида айтиб ўтилган рухсатномасиз/ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бўлган учинчи шахсларга бериши оқибатида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар туфайли;

11.3.5. Суғурталанган шахс томонидан суғурта ҳодисасининг юзага келишига сабаб бўлган ғайриқонуний қилмишлар содир этилиши туфайли;

11.3.6. Суғурталанган шахснинг соғлиғи ҳолатига ёки унга кўрсатилган тиббий ва унга боғлиқ бўлган хизматларга тааллуқли бўлган ҳамда била туриб сохта маълумотлар акс эттириб кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилиши туфайли;

11.3.7. суғурта ҳодисасининг юзага келганлигини ва суғурта ҳодисаси оқибатида келиб чиққан зарарлар ҳажмини тасдиқловчи зарур ҳужжатларнинг тақдим этилмаганлиги туфайли;

11.3.8. Суғурталовчи томонидан ушбу Офертанинг 12.7–12.8-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар сўралганда, уларни тақдим этмаслик туфайли;

11.3.9. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

11.4. Мазкур Офертанинг шартларига мувофиқ Суғурталовчи билвосита зарарлар, олинмай қолинган фойда, пенялар, жарималар, неустойкалар ва бошқа молиявий жарималар учун жавобгарликдан озод қилинади ва уларни қопламайди.

## **12-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАЪВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

12.1. Суғурталанган шахс ёки унинг вакили суғурта воқеаси юз берганида Полисда кўрсатилган телефон рақамлари ёки бошқа алоқа воситалари орқали Ассистанс хизматиغا мурожаат қилади ҳамда имкон қадар операторга қуйидагиларни маълум қилган ҳолда содир бўлган воқеа тўғрисида хабардор қилади:

- ёрдамга муҳтож бўлган Суғурталанган шахснинг фамилияси ва исми;
- Полис рақами ва суғурта даври;
- Суғурталовчининг номи;
- содир бўлган воқеа ҳолатларининг тавсифи ва талаб этилаётган ёрдамнинг характери;
- жойлашган ери ва қайтиб алоқага чиқиш учун телефон рақами.

12.2. Маълумот олгандан сўнг Ассистанс хизмати Суғурталанган шахсга мазкур Офертада назарда тутилган зарур хизматлар кўрсатилишини ташкил қилади, шунингдек Суғурталанган шахснинг харажатларини Полис шартларига мувофиқ тўлаб беради.

12.3. Шифокор билан маслаҳатлашиш ёки шифохонага жўнашга қадар Ассистанс хизматиغا кўнғироқ қилишнинг иложи бўлмаса, Суғурталанган шахс биринчи имкониятдаёқ Ассистанс хизматиغا кўнғироқ қилиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, Суғурталанган шахс содир бўлган ҳолат ҳақида ҳисобварақлар/харажатлар тўланишига қадар Ассистанс хизматиغا ёки Суғурталовчига хабар бериши ҳамда тиббий ходимларга Полисни тақдим этиши лозим.

Ушбу бандда назарда тутилган талабларга риоя қилмаслик Суғурталовчига суғурта тўловини/таъминотини олиш учун берилган аризани кейинчалик ушбу Офертанинг қуйида келтирилган шартларига мувофиқ кўриб чиқиш ҳуқуқини беради.

12.4. Ассистанс хизмати билан алоқага чиқишнинг иложи бўлмаса, Суғурталанган шахс суғурта воқеаси билан боғлиқ бўлган харажатларни мустақил тўлаши мумкин. Суғурталанган шахс ушбу ҳолда содир бўлган ҳолат тўғрисида Суғурталовчига ёзма тарзда мурожаат этади.

12.5. Ариза Суғурталовчига суғурта воқеаси юзага келган кундан эътиборан 30 (ўттиз) календарь куни ичида, аммо Суғурталанган шахс саёҳатдан қайтиб келган кундан эътиборан 30 (ўттиз) календарь кундан кеч бўлмаган муддатда тақдим этилиши лозим.

12.6. Суғурта воқеасига боғлиқ равишда аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

12.6.1. Суғурталанган шахс саёҳатда юрганида тўсатдан касалланганида ва/ёки у билан бахтсиз ҳодиса содир бўлганида:

а) Полис ёки унинг нусхаси;

б) Суғурталанган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси (асли ҳам тақдим этилиши шарт);

в) муассасадан олинган ҳисоб-маълумотноманинг асли, зарур маълумотлар (беморнинг фамилияси, ташхис, хизматлар учун мурожаат этилган сана, даволаниш давомийлиги ва шу кабилар) кўрсатилган ҳолда;

г) ушбу касаллик билан боғлиқ равишда шифокор томонидан ёзиб берилган рецептнинг асли;

д) муассаса томонидан берилган ҳисобварағининг асли, кўрсатилган хизматлар санаси, номи ва қиймати алоҳида-алоҳида кўрсатилган ҳолда;

е) хизматлар ҳақи тўланганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асли (тўланганлиги тўғрисида штамп, пуллар олинганлиги тўғрисида тилхат ёки пуллар ўтказилганлиги тўғрисида банк тасдиқномаси ва ҳоказо);

ж) муассаса томонидан берилган, Суғурталанган шахс организмида алкоголь, наркотик, токсик ёки бошқа маст қиладиган моддаларнинг йўқлигини тасдиқлайдиган хулоса ёки бошқа ҳужжат – Суғурталанган шахс исталган турдаги транспорт воситасини бошқариши оқибатида у билан бахтсиз ҳодиса содир бўлганда;

12.6.2. Суғурталанган шахс саёҳат чоғида содир бўлган бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этган тақдирда:

а) Полис ёки унинг нусхаси;

б) суғурта таъминотини олишга ҳақли бўлган Наф олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатининг нусхаси (асли ҳам тақдим этилиши шарт);

в) бахтсиз ҳодиса ҳолатларининг батафсил тавсифи ва имкон қадар гувоҳларнинг исмлари ва улар тўғрисидаги маълумотлар;

г) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бахтсиз ҳодисага нисбатан тузилган ҳужжатининг (баённоманинг ёки ҳодиса ҳолатлари ва сабабларини тавсифловчи бошқа ҳар қандай ҳужжатнинг) асли (агар иш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан кўрилган бўлса);

д) Суғурталанган шахснинг ўлим тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси ёки суднинг Суғурталанган шахс вафот этган ёки дом-дараксиз йўқолган деб топиш тўғрисидаги қарорининг нусхаси (Суғурталанган шахс йўқолган тақдирда).

12.7. Офертанинг 12.6-бандида кўрсатилган ҳужжатлар рус ва инглиз тилларидан ташқари бошқа чет тилларда тузилган бўлса, улар Суғурталовчининг талабига биноан Аризачининг (Суғурта қилдирувчининг/Суғурталанган шахснинг/Наф олувчининг) маблағлари ҳисобидан таржима қилиниб тасдиқланиши лозим.

12.8. Зарур ҳолларда ва ҳолатларни ойдинлаштириш, шунингдек зарар миқдорини аниқлаш ҳамда суғурта таъминотини амалга ошириш масаласини тартибга солиш мақсадида, Суғурталовчи ушбу Офертанинг 12.6-бандида кўрсатилмаган бошқа ҳужжатларни ҳам талаб қилишга ҳақли.

12.9. Зарур ҳолларда Суғурталовчи тақдим этилган ҳужжатларни текширишга, суғурта воқеаси ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган ташкилотлардан маълумотлар сўраб олишга, шунингдек Суғурталанган шахсни тиббий текширувдан ўтказишга ҳақли.

12.10. Суғурта воқеасининг характери ва ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда, Суғурталовчи ушбу Офертанинг 12.7-банди талабларига риоя этган ҳолда 12.6-бандда кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини/ахборотни талаб қилмаган ҳолда, содир бўлган воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олиши ёки тан олмаслиги (ёки суғурта таъминотини амалга оширишни рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

12.11. Ҳар қандай ҳолатда ҳам суғурта ҳодисасининг юз берганлиги фактини, Суғурталовчининг суғурта таъминотини амалга ошириш бўйича жавобгарлигини ва зарарлар миқдорининг асосланганлигини исботлаш Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс/Наф олувчи зиммасида бўлади.



12.12. Агар Суғурталанган шахс ушбу Оферта 12.5-бандининг талабларини бузган ҳолда суғурта воқеаси тўғрисида ариза берган бўлса, Суғурталовчига эртароқ муурожаат этиб хабар беришнинг иложи бўлмаганлигини исботлаб бериш Суғурталанган шахснинг зиммасида бўлади.

12.13. Агар суғурта ҳодисасининг юз беришига сабаб бўлган фактлар бўйича жиноят иши қўзғатилган ёки Суғурталанган шахсга нисбатан суд жараёни бошланган бўлса, суғурта таъминотини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш тергов ёки суд жараёни тугагунга қадар кечиктирилиши мумкин.

12.14. Суғурта таъминотини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарор Суғурта қилдирувчига/Суғурталанган шахсга/Наф олувчига ёзма шаклда, Суғурталовчига суғурта таъминотини тўлаб бериш учун муурожаат этган пайдан эътиборан 15 (ўн беш) календарь куни ичида, ушбу Офертада белгиланган тартибда хабар қилинади, ва у рад этишнинг асослантилган сабабларини ичига олиши лозим.

### **13-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТАЪМИНОТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ**

13.1. Суғурта таъминоти Суғурталовчи ва суғурта таъминотини олишга ҳақли бўлган шахс томонидан имзоланган Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома асосида Суғурталовчи томонидан суғурта воқеаси суғурта ҳодисаси деб тан олинган пайдан эътиборан 15 (ўн беш) календарь куни ичида амалга оширилади.

13.2. Суғурта таъминоти Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда, харажатлар амалга оширилган чет эл валютасига нисбатан суғурта мукофоти тўланадиган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича, Аризачининг (Суғурта қилдирувчининг/Суғурталанган шахснинг/Наф олувчининг) банкдаги ҳисобварағига бир йўла пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Агар Аризачи (Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс/наф олувчи) Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлмаса ва ундан ташқарида жойлашган бўлса, суғурта қопламаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича АҚШ доллариди, Аризачининг (Суғурта қилдирувчининг / Суғурталанган шахснинг / Наф олувчининг) банк ҳисоб рақамига бир марталик ўтказиш йўли билан тўланади.

13.3. Агар харажатлар амалга оширилган чет эл валютаси курси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланмаган бўлса, у ҳолда тарафлар томонидан ушбу чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўмга нисбатан курснинг белгиланиши манбаси аниқланади ва ушбу ҳол Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномада кўрсатилади.

13.4. Ушбу Офертанинг 9-бўлими бўйича суғурта таъминоти Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда, Еврога нисбатан суғурта мукофоти тўланадиган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича, Наф олувчининг банкдаги ҳисобварағига бир йўла пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

13.5. Суғурталанган шахсга кўрсатилган хизматлар учун Суғурталовчи томонидан муассасага тўланган ҳар бир тўлов Суғурта дастурига киритилган ҳар бир хизмат бўйича суғурта суммасини тўланган тўлов миқдорига камайтиради.

13.6. Суғурталовчи томонидан битта ёки бир нечта суғурта ҳодисаси бўйича амалга оширилган суғурта тўловининг/суғурта таъминотининг умумий миқдори Суғурта дастурига киритилган ҳар бир хизмат бўйича суғурта суммаси миқдоридан ошмаслиги лозим.

13.7. Суғурта таъминоти амалга оширилгандан сўнг, ушбу Офертанинг 12.6-бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг асли Суғурта қилдирувчига/Суғурталанган шахсга/Наф олувчига қайтарилмайди.



«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» AJHNING  
«TRAVEL.ONLINE» SAËXATCHILARNI SUFURTA  
QILISH UCHUN OMMAVIY OFERTASI  
(2026 йил 05 июндан жорий этилади)

FK-63/K1,2,18  
20 бетдан 19-бет  
02.06.2026 й.

«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» AJHNING  
04.07.2025 й ллда тасдиқланган  
Саёхатчиларни суғурта  
қилиш офертасига  
1-илова

**ПОЛИСНИНГ ЭЛЕКТРОН ВАРИАНТИ НАМУНАСИ**  
**Полиснинг олд томони (қоғознинг формати А4 ёки А5)**

Полис страхования путешествующих  
International Travel Insurance policy



Код агента:

Номер полиса: EGTV 000

**Данные страхователя / Policyholder details**

Страхователь / Policyholder

Контактный номер / Contact number

**Данные застрахованных лиц / Data of insured persons**

Застрахованные лица /  
Insured persons

Дата рождения /  
Date of birth

Детали паспорта /  
Passport details

**Условия страхования / Insurance terms**

Территория страхования /  
Territory of cover

Период страхования /  
Insurance period

Дней / Days

Общая страховая сумма /  
Total sum insured

Медицинские услуги /  
Medical services

Медико-транспортные услуги /  
Medical and transportation services

Несчастный случай /  
Accident insurance

COVID-19  
LIMIT

Программа /  
Program

Особые условия /  
Special conditions

Страховая премия /  
Insurance premium

Проверьте действительность полиса / Check policy validity

Серия и номер полиса: EGTV 000

Дата выдачи: /



«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» AJHNING  
«TRAVEL.ONLINE» SAËXATCHILARNI SUFURTA  
QILISH UCHUN OMMAVIY OFERTASI  
(2026 йил 05 июндан жорий этилади)

FK-63/K1,2,18  
20 бетдан 20-бет  
02.06.2026 й.

«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» AJHNING  
04.07.2025 йилда тасдиқланган  
Саёҳатчиларни суфурта  
қилиш офертасига  
1-илова

ПОЛИСНИНГ ЭЛЕКТРОН ВАРИАНТИ НАМУНАСИ  
Полиснинг орқа томони (қоғознинг формати А4 ёки А5)

ПАМЯТКА ЗАСТРАХОВАННОМУ ЛИЦУ/ REMINDER TO THE INSURED

Diqqat! Shoshilinch tibbiy yordam olish uchun qaysi mamlakatda bo'lishingizga bog'liq holda quyida ko'rsatilgan raqam orqali qo'ng'iroq qiling. Agar bog'lanishni imkoni bo'lmasa, u holda kun-u tun ishlaydigan mijozlarga xizmat ko'rsatish markazining messengerlariga matnli xabar yo'llang:

Внимание! Для получения экстренной медицинской помощи, позвоните по нижеуказанному номеру, в зависимости от страны пребывания. Если нет возможности связаться, то отправьте текстовые сообщения в мессенджеры круглосуточного сервисного центра:

Attention! For medical emergencies, call the number below, depending on the country of stay. If no contact is possible, send text messages to the messengers of the 24-hour service center:

Turkey	Morocco	Cambodia	Indonesia		+90 (242) 310 28 44
Singapore	Vietnam	Malaysia	Philippines		+41 78 856 07 42
					gross@remed.com.tr
Egypt	Tunisia				+2 02 24137308
					+201023543838
					+201066363444
					gross@remed.com.tr
United Arab Emirates	Thailand			+90 (242) 606 10 77	+90 (541) 662 60 77
Azerbaijan	Georgia			+90 (541) 662 60 77	gross@sbrassistance.com
In any other countries:				+90 (242) 310 28 43	+41 78 856 07 42
					gross@remed.com.tr

Agar sizda Assistance xizmatiga qo'ng'iroq qilish imkoniyati bo'lmasa, "GROSS.UZ" veb-sayti orqali operatorlarimiz bilan bir zumda bog'lanishingiz mumkin. Shunchaki "SOS" tugmasini bosib, so'ng kun-u tun mijozlarni qo'llab-quvvatlash markazimizning operatorlari sizga qayta qo'ng'iroq qilishlari uchun aloqa raqamingizni ko'rsating. Agar sizda vaqtincha bo'lish mamlakatida telefon raqamingiz bo'lmasa, siz mashhur Whatsapp va Telegram messengerlari orqali bog'lanishingiz mumkin.

Если у вас нет возможности позвонить в службу Ассистанс, вы можете мгновенно связаться с нашими операторами при помощи сайта "GROSS.UZ". Достаточно нажать на Кнопку "SOS" и затем указать Ваш контактный номер, чтобы операторы нашего круглосуточного Центра поддержки клиентов смогли перезвонить Вам. При отсутствии телефонного номера в стране пребывания, Вы сможете выйти на связь при помощи популярных мессенджеров Whatsapp и Telegram.

If you are unable to call the Assistance service, you can instantly contact our operators using the "GROSS.UZ" website. Just click on the "SOS" Button and then enter your contact number so that our 24/7 Customer Support Center operators can call you back. In the absence of a phone number in the country of temporary stay, you will be able to get in touch via popular messengers Whatsapp and Telegram.



Sug'urta qoidalari  
Правила  
страхования  
Insurance rules

Murojaat uchun manzil:

O'zbekiston, 100000, Toshkent, Yunusobod tumani, Usmon Nosir ko'chasi, 6-uy  
Tel.: +998 71 207 00 11, qisqa raqam: 1166, e-mail: secretary@gross.uz

Контактный адрес:

Узбекистан, 100000, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Усмона Носира, дом 6  
Тел.: +998 71 207 00 11, Колл-центр: 1166, электронная почта: secretary@gross.uz

Contact address:

6, Usmon Nosir street, Yunusabad district, Tashkent city, 100000, Uzbekistan  
Phone: +998 71 207 00 11, Call-center: 1166, e-mail: secretary@gross.uz

SIZGA MAROQLI SAYOHAT TILAYMIZ!!!  
ЖЕЛАЕМ ВАМ ПРИЯТНОГО ПУТЕШЕСТВИЯ!!!  
WE WISH YOU A PLEASANT TRIP!!!

Series and policy number:  
EGTV 000

Date of issue: /